Куч — адолатда

2015 йил
17 июль,
жума
№ 28 (541)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда қабул қилинган 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини амалга ошириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2015 йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди. Республика саноат тармоқлари ва ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, истиқболли стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг бандлигини, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш шулар жумласидандир.

Мамлакатда қабул қилинган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялаш, уни диверсификациялаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиясининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши суръатлари сусайганлигига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий мувозанатни мустаҳкамлаш таъминланаётганлиги қайд этилди. Ютуқлар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари халқаро молия институтлари томонидан юқори баҳоланаётганлиги таъкидланди. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2015 йил апрель-май ойларида мамлакатимизда бўлган миссияси бошлиғининг баёнотида "Ўзбекистон иқтисодиёти ... мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. ... 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек, юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, ... хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади", деб қайд этилди.

Биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоизга ўсди. Экспорт ҳажмларининг 7,4 фоизга ўсиши ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда муқаддас динимизни, аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларни ободонлаштириш, ибратли урф-одатларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу долзарб жараён изчил давом этмоқда. Бунда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Эзгулик, саховат ва меҳр-оқибат айёми

Президентимизнинг ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти эътиборга олиниб, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Саховатпешалик, меҳр-мурувват сингари инсонпарварлик туйғулари янада кенг намоён бўладиган бу айёмларда юртдошларимиз мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик ва фаровонлик учун Яратганга шукроналар келтиради. Фарзандлари, набираларини турли ширинликлар билан сийлайди, яқинларига совға-саломлар улашади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 14 июлда қабул қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу айём юртимизда кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Бинобарин, хайру саховат ва ўзаро ёрдам каби эзгу амаллар бажариладиган Рамазон ҳайитини байрамона кайфиятда кутиб олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Бу йил ҳам Рамазон ҳайити биз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами шодиёналарига уйғун тарзда нишонланмоқда. Мана шундай хайрли кунлар ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик туйғусини, ҳаётдан розилик ҳиссини жўш урдириши шубҳасиз. Зеро, тинчлик ва осойишталик, халқимиз эришаётган улкан ютуқ ва марралар — буларнинг барчаси истиқлол туфайлидир.

Муборак айём муносабати билан табаррук отахону онахонлар зиёрат қилиниб, якка-ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олинади. Айниқса, "Кексаларни эъзозлаш йили"да нуроний ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтаришдек олижаноб ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Такомиллашаётган қонунлар

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда

Аввало шуни эътироф этиш керакки, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ муносабатлар жадал ривожланаётган шароитда мамлакатимизнинг иқтисодиёти замонавий талаб ва андозалар асосида ҳар томонлама тараққий этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият халқаро майдонда изчил иқтисодий ҳамкорликни, айниқса, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар жиҳатдан қамраб олмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам юртимизда инвестициявий муҳитни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Ҳақиқатан ҳам, халқаро инвестиция ҳуқуқига мувофиқ, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишда хорижий инвесторларни жалб қилиш ва ҳуқуқий кафолатлар яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан 2014 йил 11 декабрда парламент томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

ҚАРОРИ

2015 йил 26 июнь | № 10 | Тошкент шаҳри

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг асосий объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби ҳисобланади. Шу билан бирга, айбдор шахс мазкур жиноятларни содир этишда, деярли барча ҳолларда, инсон ҳаёти ва соғлиғи каби қонун билан қўриқланадиган бошқа объектларга ҳам тажовуз қилади.

2. Ўзбекистон Республикасида транспорт ҳаракатининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, ҳаракат тартиби ва хавфсизлиги қуйидагилар билан белгиланади:

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси;

"Автомобиль транспорти тўғрисида"ги 1998 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

"Темир йўл транспорти тўғрисида"ги 1999 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги 2013 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати қоидалари";

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари";

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 октябрдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг темир йўл уставлари" ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3. Судлар транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишларни кўраётганда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида берилган, жумладан, қуйидаги атамаларга амал қилишлари лозим бўлиб, унга кўра:

йўл — транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси бўлиб, у ўз ичига автомобиль йўлларини, шаҳар электр транспорти йўлларини ва йўлакларни олади;

транспорт воситаси — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

йўл ҳаракати — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

транспорт воситасининг эгаси — транспорт воситасига мулк ҳуқуқи (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномалари ва ҳ.к.) ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар (ижара шартномаси, ишончнома, йўл варақаси ва ҳ.к.) асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) XVIII бобида барча турдаги транспорт воситаларида ҳаракатланиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Транспорт воситаларига, жумладан, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти, автомобиль транспорти, шунингдек, мотоцикл, мопед, велосипед, от-улов ва шу кабиларни киритиш мумкин.

5. Махсус ишларни бажаришга мўлжалланган транспорт воситалари жумласига йўл ётқизиш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш учун ихтисослаштирилган машиналар (экскаваторлар, грейдерлар, автокранлар, скреперлар, автоюклагичлар) киради.

6. Жиноят кодекси 263, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган, ЖК 260-262, 264-266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти эса, ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

Тушунтирилсинки, ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти сифатида транспорт воситасини бошқарган, яъни:

ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;

йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган;

тегишли турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган;

умуман транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган;

қўш бошқарувли ўқув (машқ) транспорт воситасида транспортни бошқаришни ўргатаётган шахс топилиши мумкин.

7. Йўл ҳаракати қоидаларининг 2-бўлимига кўра, иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган ва юргизгич (двигатель) билан ҳаракатга келтириладиган ҳамда энг юқори ҳаракатланиш тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган транспорт воситасини, шунингдек осма юргизгичли (двигателли) велосипед, мокика, скутер ва ўхшаш тавсифга эга бўлган бошқа транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас. Мазкур транспорт воситаларини ёки от-улов транспортини бошқариб бораётган, шунингдек, велосипедчилар, аравача, чана, болалар ҳамда ногиронлар аравачаларини тортиб (юргизиб) бораётган ва йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга йўл қўйган шахс, агар бунда эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ёхуд одам ўлган бўлса, бунинг учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, ЖК 268-моддаси бўйича жавобгар бўлади.

Агар йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш бир неча турдаги транспорт воситаси ҳайдовчиларининг жиноий ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлса, бундай ҳолда улар транспорт воситаси туридан келиб чиқиб, тегишлича, ЖК 266 ёки 268-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

8. Жиноят кодекси 260-263, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгиси содир этилган ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш борлиги ҳисобланади. Ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воситасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда) ифодаланади. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш эса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, ногабарит юкларни ёки йўловчиларни бунга мўлжалланмаган транспорт воситасида ташиш, автомобилни белгиланмаган жойда тўхтатиб туриш ёки қолдириб кетиш, транспорт воситаси бошқарувини шу воситани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга топшириш ва шу кабиларда) ифодаланади.

Транспорт воситаси ҳайдовчисининг йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида эмас, балки юкни ортиш ёки туширишда, транспорт воситаларини таъмирлашда, қурилиш, йўл, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни амалга ошириши натижасида ЖК 266-моддасида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлган ҳаракатлари, юзага келган оқибатлар ва айб шаклидан келиб чиққан ҳолда, шахсга қарши жиноятлар ёки ишларни амалга ошириш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

ҚАРОРИ

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, агар у келиб чиққан оқибатлар билан боғлиқ бўлмаса, айбловдан чиқарилиши лозим. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади.

9. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини текширишда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси бандлари бузилганлигини ва улардан қайсилари ЖК 266-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлганлигини аниқлаш зарур.

Йўл ҳаракати қоидалари икки ёки ундан ортиқ йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан бузилган ҳолларда, ЖК 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик фақат транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари мазкур моддада кўрсатиб ўтилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлган ҳайдовчидагина келиб чиқади. Транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари келиб чиққан оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлмаган бошқа ҳайдовчи эса, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

10. Жиноят кодекси 260-262, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятлар, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки бошқа қоидалар бузилиши хусусиятидан қатъий назар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган, деб эътироф этилади, чунки, бунда айбдор барча ҳолларда ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик билан ҳаракат қилади. Агар айбдор ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузса, унинг қилмиши Жиноят кодексининг қасддан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Айбдор томонидан бир неча мустақил жиноятлар содир этилган бўлиб, масалан, бу жиноятлардан бири ҳаракатланиш ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлигига қарши, бошқаси эса, ҳаётга ёки соғлиққа қарши жиноят бўлса, унинг ҳаракатлари мазкур жиноятлар мажмуини ташкил этади.

11. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 260, 262, 263, 266, 268, 269-моддалари диспозицияларида назарда тутилган "одамлар ўлими" деганда, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидалар бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ одам ўлишини тушуниш лозим.

"Ҳалокат" деганда, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, жамоат транспортидаги (автобус, троллейбус, трамвай, йўналишли такси ва шу кабилар) ўнлаб одамлар нобуд бўлиши билан бир қаторда атроф-муҳитга ҳамда одамлар соғлиғи ёки ҳаёти учун тузатиб бўлмас даражада зиён етказган ҳодиса тушунилиши лозим.

"Бошқа оғир оқибатлар" деганда, одамлар ўлими билан бир қаторда поездлар, кемалар ёки самолётлар қатнови узоқ муддатга издан чиқиши, теварак-атрофдаги уйлар ва бошқа иншоотлар вайрон қилиниши (портлаши, ёниб кетиши, қулаб тушиши) ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим. Шуни назарда тутиш лозимки, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ одамга ўртача оғир ва/ёки оғир шикаст етказилганлиги фактининг ўзи қилмишни "бошқа оғир оқибатлар" белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

12. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида икки ёки ундан ортиқ одам жабрланган (бир пайтнинг ўзида баданга оғир шикаст етказилган ва одам ўлими келиб чиққан) ҳолларда, йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахснинг ҳаракатлари ЖК 33-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ЖК 266-моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари эҳтиётсизлик оқибатида бузилганлиги сабабли бир йўла бир неча шахснинг баданига турли даражадаги оғирликда (енгил, ўртача оғир ёки оғир) шикаст етказилган бўлса, айбдор шахс ЖК 266-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Бир хил оқибатлар келтириб чиқарган, ўзаро боғлиқ бўлмаган йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бир нечаси бузилганда, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 266-моддасининг шундай оқибатларни назарда тутувчи тегишли қисми билан (ЖК 33-моддаси иккинчи қисми қоидасига мувофиқ) қамраб олинади.

13. Ҳайдовчининг йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишида, жумладан, ҳаракатланиш тезлигини оширганлиги натижасида, айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал этишда "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 12-банди талабларидан келиб чиқиш лозим бўлиб, унга кўра, ҳайдовчи транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, хусусан, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда бошқариши керак.

Шу талабдан келиб чиқиб, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқаши имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни камайтириш чораларини кўриши керак. ЖК 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик, фақат, ҳайдовчида йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун техник имконият мавжуд бўлганда ва унинг ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатлари билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланган тақдирда келиб чиқади.

14. Ҳайдовчида йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун техник имконият бор-йўқлиги масаласини ҳал этишда, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлган пайт, ҳар бир муайян ҳолда, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгунга қадар йўлда мавжуд бўлган вазиятни инобатга олган ҳолда аниқланишидан келиб чиқиш лозим. Ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлган вақт, ҳайдовчи уни пайқай олиши учун объектив имкониятга эга бўлган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

15. Махсус билим талаб қиладиган масалаларни йўл-транспорт ҳодисаси хусусиятларидан (транспорт воситалари ҳаракатланиш тезлиги, ҳайдовчида йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун техник имконият борйўқлиги, йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ҳаракатларининг "Йўл ҳаракати қоидалари" талабларига мувофиқлиги, транспорт воситалари, улар агрегатлари ва узелларининг техник ҳолати ва шу кабилардан) келиб чиқиб, аниқлаш учун суд-автотехника экспертизаси тайинланиши лозим.

Йўл-транспорт ҳодисасининг бошқа ҳолатларини аниқлаш учун суд-автотехника экспертизаси ҳал қиладиган масалалар билан бир қаторда суд-трассология ва бошқа экспертизаларга оид масалаларни қамраб олувчи комплекс экспертизалар тайинланиши мумкин.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда (ажримда) хулоса бериш учун экспертга зарур бўлган, ишда мавжуд материалларга асосланган йўл-транспорт ҳодисасига оид бошланғич маълумотлар кўрсатилиши лозим. Йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатлари тўғрисида ишда бир-бирига зид маълумотлар мавжуд бўлганда, экспертга (экспертларга) бу маълумотларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хулоса бериш топширилади.

16. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, суд-автотехника экспертизаси ваколати доирасига фақат йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ махсус техник масалаларни ҳал этиш киради. Шунинг учун, экспертиза тайинлашда судлар экспертлар олдига ечими мутлоқ суднинг ваколатига тааллуқли (масалан, йўл ҳаракати иштирокчисининг айбдорлик даражаси тўғрисида) ҳуқуқий масалаларни қўйишга ҳақли эмаслар.

17. Судларга тушунтирилсинки, йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор ва жабрланувчини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ҳайдовчи ЖК 266 ва 117-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозим.

Агар ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор бўлмаса, бироқ, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи унинг иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида хавф остида қолдирилган бўлса, ҳайдовчи томонидан жабрланувчига ёрдам кўрсатишга доир "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 4.1 бандида белгиланган мажбуриятларни бажарилмаганлиги ЖК 117-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга била туриб ёрдам кўрсатмаслик деганда, транспорт воситаси ҳайдовчиси жабрланувчи ёшлиги, кексалиги, касаллиги ёки ожиз аҳволда бўлганлиги сабабли мустақил равишда тиббий ёрдам сўраш имкониятига эга эмаслигини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф мавжудлигини англаган, бироқ унга зарур ёрдам кўрсатмаган (масалан, ҳайдовчи ҳодиса жойидан яширинган, биринчи тиббий ёрдам кўрсатмаган, тез тиббий ёрдам чақирмаган, жабрланувчини яқин орадаги даволаш муассасасига олиб бормаган ва шу каби) ҳоллар тушунилиши лозим.

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган жабрланувчига била туриб ёрдам кўрсатмаслик мотивлари, шунингдек, ҳайдовчининг бошқа шахслар томонидан ёрдам кўрсатилиши мумкинлиги ҳақидаги важлари айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишга таъсир этмайди.

18. Йўл-транспорт ҳодисасида айбдор ҳайдовчи учун қуйидаги ҳолларда ЖК 117-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди:

агар унда жабрланувчига ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаса (масалан, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳушини йўқотганлиги ёки олган тан жароҳати уни жабрланувчига ёрдам кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлса ва ҳ.к.);

жабрланувчининг баданига етказилган тан жароҳатлари унинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаса;

жабрланувчининг ўлими йўл-транспорт ҳодисаси пайтида рўй берган бўлса.

19. Жиноят кодекси 266-моддасида назарда тутилган жиноятларга оид ишларни кўришда судлар, йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг айнан қайси бандлари бузилганлиги мазкур моддада кўрсатилган оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганлигини ва бу қоидабузарлик айнан нимада ифодаланганлигини (масалан, техник носоз транспорт воситасини бошқарганлик, транспортни маст ҳолда бошқарганлик, ҳаракатланиш тезлигини ошириб юборганлик ва шу кабиларни) ҳукмда кўрсатишлари лозим.

Агар айблов хулосасида кўрсатилган йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бандлари ишнинг суд мажлисида аниқланган ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаса, суд ЖПК 419-моддаси талабларидан келиб чиқиб, тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун прокурорга қайтариши шарт, башарти, бу дастлабки тергов камчилиги билан боғлиқ бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш имкони бўлмаса ёки судланувчининг аҳволини оғирлаштирса.

20. Йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилишини ҳарбий машинани бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишдан фарқлаш лозим. Ҳарбий хизматчи томонидан жанговор, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда, қилмиш ЖК 298-моддаси билан квалификация қилинади. Агар йўл-транспорт ҳодисаси ҳарбийлаштирилмаган машинани бошқарган ҳарбий хизматчининг айби билан ёки ҳарбий машинани бошқарган ҳарбий бўлмаган шахснинг айби билан содир этилса, қилмиш ЖК 266-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

21. Тушунтирилсинки, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахслар, агар улар томонидан маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахсларга мазкур транспорт воситаларини бошқаришга рухсат берилган тақдирда, ЖК 261-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай жавобгарлик фақат қуйидаги ҳолларда келиб чиқади, агар:

транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс ҳайдовчи транспорт воситасини бошқаришга рухсат берилган пайтда маст ҳолатда ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини аниқ билган бўлса;

йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг ҳайдовчи томонидан бузилиши натижасида баданга оғир шикаст етказилган ёки одам ўлган ҳолда келиб чиққан бўлса.

Жиноят кодекси 261-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти ташкилот, корхона, муассаса раҳбарининг буйруғи билан транспорт воситасини бошқаришга рухсат бериш мажбурияти юклатилган шахс, шунингдек, шахсий транспорт эгаси ҳисобланади.

Агар транспорт воситасини бошқаришга рухсат бериш мажбурияти юклатилган шахс томонидан алкоголли ичимликдан маст ҳолатда ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёхуд одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилган ва кейинчалик бу ҳайдовчи ўзбошимчалик билан транспорт воситасини бошқарган бўлса, ЖК 261-моддаси билан жавобгарлик келиб чиқмайди.

Шуни назарда тутиш лозимки, алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини топширган шахс, башарти йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ЖК 261-моддасида назада тутилган оқибатлар келиб чиқмаган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси учинчи қисми билан жавобгарликка тортилади.

22. Судлар шуни назарда тутишлари зарурки, транспорт воситаларини бошқаришга рухсат этилган маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд одамнинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахс томонидан ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганда, унинг ҳаракатлари келиб чиққан оқибатларга қараб, ЖК 260 ёки 266-моддасининг тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Жиноят кодекси 260-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш билан боғлиқ ходимлар (масалан, ҳаракат хизмати, ҳаво алоқасини бошқариш маркази, диспетчерлик хизмати ходимлари, катта штурман, парвозлар раҳбари), шунингдек, транспорт воситасини бевосита бошқарувчи ходимлар (кема командири (капитани) ва штурмани, машинист ва унинг ёрдамчиси ва бошқалар) бўлиши мумкин.

23. Жиноят кодекси 262-моддаси бўйича жавобгарлик, таъмирлаш ишларини бажараётган шахс ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланилиши учун масъул шахс томонидан темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспорти ёки бошқа транспорт воситаси, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёхуд бошқа транспорт ускуналари сифатсиз таъмирланган, шунингдек техник жиҳатдан носоз транспорт воситасини фойдаланишга чиқаришга рухсат берилган ҳолларда келиб чиқади. Бунда, транспорт воситалари, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарининг техник ҳолати учун масъул шахс, техник носозликдан хабардор бўлиши шарт.

24. Судлар йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни техника хавфсизлиги ёки транспортда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан фарқлай олишлари шарт.

Йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси) деганда, бундай ҳаракатларнинг транспорт воситаси йўлларда ҳаракатланиши жараёнида содир этилиши тушунилади. Агар транспорт воситасидан фойдаланиш жараёнида, жумладан транспортга юк ортиш-тушириш, транспорт воситасини таъмирлаш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва бошқа турдаги ишларни бажаришда техника хавфсизлиги ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган, одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, мазкур қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахснинг ҳаракатлари ЖК 257-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

25. Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт.

26. Судлар ЖК 260, 262, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга оид ишларни кўришда, судланувчига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо чорасини қўллаш масаласини муҳокама қилишлари лозим. Мазкур масала шахс бундай ҳуқуққа эга, эгамаслигидан (масалан: шахс жиноят содир қилгунга қадар ёки тергов вақтида маъмурий тартибда ёки суд ҳукми билан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигидан) қатъий назар, муҳокама қилиниши шарт.

Жиноят кодексининг 261-моддаси, 266-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо қўлланилиши мажбурийлиги белгиланганлиги сабабли, суд, ЖК 57-моддасида белгиланган алоҳида ҳоллар (масалан, судланувчининг асосий касби ҳайдовчилик бўлиб, бошқа мутахассисликка эга эмаслиги) мавжуд бўлганда, ҳукмнинг тавсиф қисмида ўз қарорини асослаб берган ҳолда, қўшимча жазо чорасини қўлламаслиги мумкин.

27. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишларни кўришда мазкур жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масалаларни ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги 1998 йил 11 сентябрдаги 21-сонли, шунингдек, "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорларида баён этилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

28. Ташкилот, корхона, муассасаларда хизмат вазифаларини бажаришга виждонсиз муносабатда бўлиш, транспорт воситаларининг қониқарсиз аҳволи, меҳнат ва ижро интизомини бузиш, автомобил йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини сақлаш қоидаларини бузиш каби жиноят содир этилишига имкон яратиб берган ҳоллар аниқланганда, судлар хусусий ажрим (қарор) чиқариш йўли билан тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслари эътиборини шу ҳолатларга қаратишлари лозим.

Иш бўйича автомобил йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини сақлаш қоидалари қўпол бузилиши (йўлларнинг чўкиши, ер ости иншоотлари люкларининг очиқ қолдирилиши, огоҳлантирувчи белгилар қўйилмаганлиги ва ҳ.к.) ҳоллари аниқланиб, у ЖК 266-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқарган йўл-транспорт ҳодисаси учун шароит туғдирган бўлса, судлар мазкур қоидаларга риоя этилишига масъул шахслар (таъмирлаш-қурилиш ёки фойдаланиш ташкилотлари ходимлари, ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ва ҳ.к.) ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни прокурорга юборишлари лозим.

29. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ги 2000 йил 22 декабрдаги 32-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси **Ш.ГАЗИЕВ**

Пленум котиби,
Олий суд судьяси **Д.КАМИЛОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини тубдан кўпайтириш, хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, ички талабни мутаносиб рағбатлантириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 13,5 фоизга, чакана товар айланмасининг 14,8 фоизга ва хизматларнинг 13,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Аҳоли бандлиги масалаларини ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 441,8 мингта янги иш ўрни, улардан 274,9 минг иш ўрни ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Фаол инвестиция сиёсатини ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш, инфратузилмани ривожлантириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 10,9 фоизга ўсишини таъминлади. 2015 йилги Инвестиция дастури доирасида 63 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. 1866 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 585 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Инвестиция жараёнларининг фаоллашуви пудрат қурилиш ишлари ҳажмининг 18 фоизга ўсишига кўмаклашди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори замонавий юқори технологик ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга туширишга бўйича муҳим стратегик инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш учун шахсан масъул эканликларига қаратилди. Улар олдига айрим лойиҳалар бўйича йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга инвестициялар жалб этишни жадаллаштиришга қаратилган комплекс қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини сафарбар қилиш, маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, анъанавий бозорларда мамлакатимизнинг экспорт қилувчилари мавқеини мустаҳкамлаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Мажлисда ғалла ўримйиғими мавсуми якунларини танқидий таҳлил қилишга ва об-ҳаво шароитларининг ғўза ҳосилига салбий таъсирининг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга, шунингдек, ғўзани парвариш қилиш бўйича комплекс агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга жиддий эътибор қаратилди. Аграр секторни янада ривожлантириш ва модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Мўл ғалла етиштирилди ва дон йиғиштириб олинди.

Жорий йилнинг ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мажлис қатнашчиларининг эътибори об-ҳаво шароитларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, энг аввало, ғўзага салбий таъсирини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг ва ижтимоий соҳа объектларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида суғоришни таъминлаш, ғўзаларни зараркунандалардан интеграциялаштирилган ҳолда самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш, шунингдек, агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш учун ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан тасдиқланган 2015-2019 йилларда ислоҳотлаш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш дастурларини тизимли амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг эътибори марказида бўлди. Иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш, хусусий мулкнинг аҳамияти ва улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишни ва кафолатларини кучайтириш, акциялаштиришни чуқурлаштириш ва корпоратив бошқаришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ишларни самарали мувофиқлаштириш ҳамда тизимли ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиб ўтилдики, ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш стратегиясининг асосий мазмунмоҳиятини ташкил этадиган ушбу дастурий ҳужжатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши яқин йиллар мобайнида иқтисодиётни ўстиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолишни, иқтисодиётнинг янада замонавий ва диверсификацияланган тузилмасини шакллантиришни, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори яқин беш йилга мўлжалланган қабул қилинган дастурларга киритилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширишини таъминлаш, уларда назарда тутилган барча мақсадли параметрлар ва индикаторларга эришиш юзасидан уларнинг шахсий масъулиятига қаратилди.

Мажлис давомида 2015-2019 йилларга мўлжалланган таркибий ўзгартиришларнинг қабул қилинган дастурлари барча бандларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш устидан мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг қатъий тизимини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бунда тасдиқланган дастурларнинг тайёргарлик босқичидан бошлаб тўлиқ амалга оширишда унинг ҳар бир бандини кўриб чиқиш ва ижро этишни барча босқичлари устидан изчил назорат қилувчи автоматлаштирилган компьютер дастурларини қисқа муддатларда ишлаб чиқиш ва ишга туширишни таъминлашга қарор қилинди.

Шунингдек, тасдиқланган дастурлар амалга оширилиши бўйича масъул ижрочилар ҳисобланган вазирликлар, идоралар ҳамда тегишлича улар ижросини мувофиқлаштиришни ва ҳар ойлик назорат қилишни таъминловчи Идораларо кенгашлар ва Ҳукумат ҳузуридаги комиссиялар белгиланди.

2015-2019 йилларга мўлжалланган тасдиқланган таркибий ўзгартиришлар дастурлари амалга оширилиши тўғрисида Ҳукумат аъзолари ва бошқа масъул шахсларнинг ҳисоботлари Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида йилнинг ҳар чорагида доимий асосда эшитилишига қарор қилинди.

Мажлисда хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга катта эркинлик бериш, уларни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат биринчи ярим йилликнинг ўзидагина 15,2 мингта янги кичик бизнес субъектларини ташкил этишга кўмаклашди, бу 2014 йилнинг шу давридагидан 6,3 фоиз кўп. Кичик бизнес субъектларига 6,4 триллион сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп банк кредитлари ажратилди.

Барча даражалардаги ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари тармоғини кенгайтиришда ва янгиларини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини олинган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юкланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш учун тўсиқларни олиб ташлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги фармони билан тасдиқланган дастурни, шу жумладан, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига мансабдор шахсларнинг тўсқинлик қилиши ёки ноқонуний аралашуви юзасидан масъулиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, рўйхатга олиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиботларини янада соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатда мулкчиликнинг устувор шакли сифатида хусусий мулкни ва кичик бизнесни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Шу муносабат билан махсус ташкил этилган ишчи комиссия, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга ва унинг устуворлигини мустаҳкамлашга, энг кўп қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлими яратишга йўналтирилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарларининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Qonun ijodkorligi

Такомиллашаётган қонунлар

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур қонун билан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш жараёнида қонунчиликнинг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини режалаштиришда ва бизнес-стратегиясини ишлаб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатларига асосланади.

Шу маънода кейинги даврда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатланган қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳақида атрофлича тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз.

Айтиш керакки, бу ўзгартишлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг барқарорлигини таъминлаш ва шу орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилгандир.

Айни мақсадда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига янги мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларига жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган қонун ҳужжатларида уларнинг (ёки уларнинг қисмларининг) кучга кириш муддати сифатида расман эълон қилинган кундан бошлаб, уч ойдан кам бўлмаган муддат кўрсатилиши лозимлиги ҳақидаги норма киритилди.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 30-моддасига асосан, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

Бундан ташқари давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларини расмий веб-сайтларга жойлаштириш мазкур органлар томонидан қабул қилинаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатларни улар эътиборига етказишнинг энг тезкор усули ҳисобланади. Шу сабабли "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ахборотдан фойдаланиш кафолатларини таъминлаш мақсадида, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун тадбиркорлик фаолияти субъектларига жавобгарлик чоралари қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланганлиги инобатга олинган ҳолда, мазкур қонуннинг 24-моддаси ҳамда "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва қонун лойиҳаларида уларнинг (ёки уларнинг қисмларининг) кучга кириши муддати кўрсатилиши лозимлигини белгиловчи норма билан тўлдирилди.

Айтиш керакки, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунга тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартишлар таклиф этилиб, тадбиркорлик субъектларини уларга тегишли рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилиши ваколатли давлат органлари томонидан тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида, ваколатли органнинг шундай қарорларини тадбиркорлик субъектларига етказиш муддатини бир иш кунигача қисқартириш тўғрисидаги норма киритилди.

Амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланишига хизмат қилиши билан бирга, мулкдорни, кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишида зарурий ҳужжат ҳисобланади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу муҳим ҳужжат юртимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрнини тубдан ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фармон билан бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш белгиланган. Шуни инобатга олган ҳолда, хорижий инвесторларни асосан саноатнинг юқори технологиялари соҳасига жалб қилиш, инвестиция киритишни янада рағбатлантириш ҳамда инвестиция жараёнида хўжалик субъектлари ва аҳолининг иштирокини янада кенгайтириш, шунингдек, инвестиция киритишга қўшимча шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида, амалдаги инвестиция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этишни янада ривожлантириш, давлатимизнинг иқтисодий муносабатлари замонавий талаб ва воқелик асосида ҳар томонлама равнақ топишини таъминлайди.

Сирожиддин ЭШМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Qilmish-qidirmish

Божхона назорати

унга риоя этмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Истиқлол йилларида мамлакатимиз божхона ҳудудида самарали божхона назоратини амалга ошириш ҳамда товар айирбошлашни тартибга солиш, юртимиз ҳудудига истеъмолга яроқсиз товарлар кириб келишининг олдини олишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Пировардида бож тўловлари ўз вақтида ундирилиб, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларига тўлиқ риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ олиб борилаётган изчил чора-тадбирларга қарамай, мўмай даромад орттириш илинжида божхона назоратини четлаб ўтиб, яширин йўллар орқали тақиқланган ёхуд истеъмолга яроқсиз товарларни олиб киришга ёхуд юртимиз ҳудудидан ташиб кетишга уринаётган кимсаларнинг ҳам учраб туриши ғоятда ачинарлидир.

Айтиш жоизки, божхона қонунчилигини бузганлик учун амалдаги қонунчилигимизда тегишли жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Чунончи, амалдаги Жиноят кодексининг 182-моддасида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари мазкур кодекснинг 223-моддасида чегарадан ноқонуний кириш ёки чиқиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтишда сохта ҳужжатлардан фойдаланган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, С.Мелиев 2014 йил август ойида дастлабки суриштирув ва тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шериклари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, қўшни республика ҳудудига айланма йўллар орқали ўтади.

Шундан сўнг у ўзига нотаниш бўлган шахслардан 19 дона "Тианжуан" номли рангли телевизор ва 92 метр матони харид қилиб, Ўзбекистон Республикасига божхона назоратини четлаб, қонунга хилоф равишда белгиланган тартибни такроран бузиб, юртимиз ҳудудига кираётган вақтда давлат чегарачилари ва божхона ходимлари томонидан тўхтатиб қолинади.

Судланувчи С.Мелиев ўзининг ушбу ғайриқонуний ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми "б", "в" бандларида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Суд жараёнида С.Мелиев турли баҳоналарни рўкач қилиб, сувдан қуруқ чиқишга уринди, бироқ тергов давомида тўпланган далилий ашёлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари унинг қилмишини фош этди ва айбдорга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, божхона қонунчилигига қатъий риоя этиш иқтисодиётимизни барқарор суръатларда ривожлантириш, юртимиз ҳудудига истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш ҳамда самарали божхона назоратини амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Д.АҲМАДАЛИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон тумани судининг раиси

Munavvar lahzalar

Эзгулик, саховат ва меҳр-оқибат айёми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Маҳалла" хайрия жамоат фондидан маълум қилишларича, муборак айём олдидан ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган бундай хайрли тадбирлар юртдошларимиз ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Ҳайит арафасида мамлакатимизнинг барча маҳалла ва қишлоқларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўча ва майдонлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилди. Энг муҳими, бундай савобли ишлар тимсолида ўзгалар ёрдамига муҳтожларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам қўлини чўзиш каби халқимизнинг эзгу анъаналари янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик туфайли турмушимиз тобора фаровон бўлиб бормоқда. Бугун Ватанимизнинг қайси бир гўшасига борманг, аввало атрофдаги кўркамлик ва саранжом-саришталикни, обод манзараларни, юртдошларимизга яратилган муносиб шарт-шароитларни кўриб қувонасиз.

Президентимиз раҳнамолигида муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жамиятда ўзаро ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни Рамазон ҳайитини миллий қадриятларимизга мос тарзда нишонлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами ва миқёси ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Ҳа, Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида кенг нишонланаётган Рамазон ҳайити ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик туйғусини, ҳаётдан розилик ҳиссини жўш урдириши билан бирга, кексаларни эъзозлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларимиз ижобатига хизмат қилади.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Garoyib olam

Маълумки, ер юзида ташқи кўриниши ва биологик хусусиятлари бир-биридан тубдан фарқ қиладиган, табиатдаги ўрни бетакрор аҳамият касб этадиган шифобахш зираворларнинг минглаб тури мавжуд. Аслида инсонга бундай зираворларнинг шифобахшлиги қадим замонлардан буён маълум бўлган.

Биз билган ва билмаган дунё

ТАБИАТНИНГ НОЁБ ГИЁҲЛАРИ

Айтиш керакки, зираворларнинг ажойиб хусусиятлари таъриф-тавсифлари битилган қадимий қўлёзмалар Хитойда кўплаб топилган.

Маълумки, қадимда одамлар айнан зираворлар савдосидан салмоқли даромад олишган. Чунки ўша вақтларда биргина қалампирнинг нархи олтинга тенглаштирилган бўлса, долчин, ваниль ва заъфарон каби ноёб зираворлар ҳам юқори баҳоларда сотилган. Жуғрофик кашфиётлардан ҳам маълумки, Васко де Гама, Магеллан, Колумб каби сайёҳлар фаолиятининг бир қисми айнан "Зираворлар ороли" деган ном таратган Ҳиндистонга энг қисқа йўл топиш бўлганлигини ҳисобга олсак, ўша вақтларда ҳам зираворларга бўлган талабнинг нечоғлик баланд бўлганлигини англаш қийин эмас.

Ажабланарлиси шундаки, асрлар давомида зираворлардан фойдаланиш илми қатъий сир сақланган бўлиб, у авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган, холос.

Айни пайтда дунёнинг ярмидан кўп аҳолиси зираворлардан соф табиий шифобахш неъмат сифатида фойдаланади. Айниқса, бу борада Хитой, Ҳиндистон, Шри Ланка ва Индонезия катта муваффақиятларга эришган.

Албатта, ҳар бир халқнинг маданияти, тили, урф-одатларида ўзига хос миллий хусусиятлари намоён бўлади. Бундай хусусиятлар ўша халқнинг истеъмол қиладиган таомларида ҳам ўз ифодасини топади. Таъкидлаш жоизки, Хитой ва Ҳиндистонда зираворлар миллий таомларнинг асосини ташкил қилади. Бу ерда зираворлардан тайёрланувчи таомларнинг энг машҳури "Масала" деб аталади. Уни нафақат хитой ва ҳиндлар, балки бошқа халқлар ҳам шифобахш малҳам сифатида яхши билади.

Япон таомлари орасидаги энг машҳур аччиқ зиравор — бу васаби илдизи саналади. Яшил рангли паста кўринишида дастурхонга тортилувчи бу зиравор "суши" ва "сашими" каби япон таомлари билан истеъмол қилинади. Япониялик шифокорларнинг фикрига кўра, айнан васаби заҳарланиб қолган беморга жуда фойдали зиравор ҳисобланади.

Кундалик таомларимизда ишлатиладиган айрим зираворлар ҳам борки, улар турли халқларда бирон-бир воқеа ёхуд ҳодиса рамзи саналган. Хусусан, тропик ва субтропик минтақаларда ўсадиган дафна япроғи ва шохчалари Грециядa мукофот рамзи ҳисобланган.

Қадимги Миср ва Юнонистонда эса, сельдрей барглари юксак қадрланган. Чунончи, спортда, илм-маърифатда ва мушоираларда ғолиб чиққан кишиларнинг бошига сельдрей чамбарлари тақилган. Шунингдек, сельдрейни муқаддас деб билган юнонлар ва римликлар унинг рамзини ганчга ўйиб, иморатларнинг пештоқига ва устунларига ёпиштириб қўйишган.

Зираворлар нафақат таомларга лаззат ва хушбўйлик бахш этадиган муҳим восита, балки овқатни минерал тузлар билан бойитувчи шифобахш қўшимчалар сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Масалан, ҳиндистонлик мутахассисларнинг фикрига кўра, айрим зираворлар инсон табиатидаги баъзи иллатларни йўқотишда ҳам кўл келиши мумкин экан. Хусусан, долчин, чиннигул, зира қўрқувни енгишда; занжабил, куркума ва арпабодиён жаҳлдорлик ва ҳасадгўйликка барҳам беришда; зира, қизил қалампир, мурч, занжабил эса, қатъиятсизлик ва тушкунликка қарши курашда муҳим восита ҳисобланади.

Занжабил санскрит тилидан таржима қилинганида "шохсимон кўринишдаги" деган маънони билдиради. Ҳақиқатан ҳам, унинг илдизи шохсимон шаклга эга бўлиб, мутахассислар ундан айнан ёз ойларида чой ичиш кони фойда эканини алоҳида қайд этишади.

Куркума ўсимлиги таркиби эса, антиоксидант моддаларга бойлиги билан дунёда етакчи ўринда туради. Шу боис қадим-қадимдан ундан организмни турли заҳарлардан тозалашда самарали фойдаланиб келинади.

Айтиш жоизки, зираворлар асрлар давомида энг қимматбаҳо маҳсулотлар сифатида қадрланиб келинган. Масалан, XII асрда Лондонда бир фунт мускат ёнғоғи учун саккиз бош қорамол берилган. Мексика давлатида истиқомат қилган ацтеклар қабиласига эса, ҳукумат маҳаллий солиқларни айнан ваниль зираворини тўплаш орқали тўлаш имтиёзини берган.

Интернет материаллари асосида Мўътабар ХУШВАҚТОВА тайёрлади.

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Тўрт ой муқаддам хусусий корхонада иш бошладим. Айтинг-чи, айни пайтда асосий меҳнат таътилига чиқишим мумкинми?

Абдураҳим ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳри

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 143-моддасида таътилларни бериш тартиби белгилаб қўйилган. Унга биноан, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан сўнг берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Шунингдек, таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилади: аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин; I ва II гуруҳ ногиронларига; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга; муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга; ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар; технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (100-модданинг иккинчи қисми 1-банди).

Жиноят иши юритувдан тугатилгач, ашёвий далиллар эгасига қайтариладими?

Ботир ЭГАМҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти, Ангор тумани

— Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ, ҳукмда, шунингдек, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса, уларга берилиши мумкин;

4) жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга ўтказилади, мулкий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

6) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг судьяси Азамат ШОМУРОДОВ жавоб берди.

Maslahat

Процессуал ҳуқуқий ворислик

у қандай тартибда белгиланади?

Амалдаги Хўжалик-процессуал кодексининг 39-моддасида процессуал ҳуқуқий ворислик ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (қайта ташкил этилиш, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик процессининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

Комилжон МАҲМУДОВ,
Олий суд катта консультанти

Saboq

Ростгўйлик – юксак инсоний фазилат

бунинг акси бўлган ёлғончилик эса кишини юзшувит қилади

Халқимизнинг "Бошингга қилич келса ҳам рост гапир", "Ёлғоннинг умри қисқа" каби ҳикматлари замирида чуқур маъно мужассам. Ҳақиқатан ҳам, ростгўйлик инсоннинг маънавий қиёфасини безайдиган юксак фазилат саналади. Бунинг акси бўлмиш ёлғончилик охир-оқибат кишини мулзам қилади. Масалан, Элмирза Боқиев (ИСМ-шарифлар шартли) ҳам ёлғон гапириш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини, кеч бўлса-да, тушуниб етди, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлди.

Шу ўринда воқеа тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, Э.Боқиев 2013 йилнинг август ойида Самарқанд шаҳридаги машина бозоридан "ВАЗ-2107" русумли автомашина харид қилади. Бироқ орадан кўп ўтмай хорижга ишга борадиган бўлиб қолади. Шу сабабли хориждан қайтиб келгунга қадар автомашинасини ижарага бериб кетиш нияти туғилади.

Қисқаси, у автомашинасини жиззахлик Истам Сувоновга нотариал тартибда ҳар ойига 220 минг сўм эвазига ижара шартномаси асосида беради.

Орадан олти ой ўтгач, Э.Боқиев чет элдан қайтиб келади ва И.Сувоновга учрашиб, ижара ҳақини сўрайди. Ўз навбатида, И.Сувонов ҳозирча пули йўқлигини айтиб, 2015 йил март ойигача ижара пулларини тўлиқ қайтаришга ваъда беради. Бироқ келишилган муддат етиб келса-да, Э.Боқиев ижара пулини ололмайди.

Шундан сўнг Э.Боқиев қалтис йўлни танлайди. Яъни у туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига автомашинасини номаълум шахслар ўғирлаб кетгани ҳақида ёлғон хабар беради. Шунингдек, у ёзма ариза билан мурожаат қилади. Албатта, бундай ҳолатда Э.Боқиевни ғаразгўйлик ниятида ёлғон хабар берган деб бўлмайди. Шу боисдан суд судланувчи Э.Боқиевнинг жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 237-моддаси 2-қисми "б" бандидан ушбу моддaнинг 1-қисмига қайта малакалади.

Айтиш керакки, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 5-бандида "Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак" деб қайд этилган.

Суд ушбу қонун талабларига риоя қилди ва судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги ва қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини инобатга олиб, уни Жиноят кодексининг 237-моддаси 1-қисмига асосан айбдор деб топди ва ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш йўли билан бир йил олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Ҳа, ёлғоннинг умри қисқа. Ёлғон гапирган, ёлғон хабар берган одам ҳеч қачон мақсадига етолмайди.

Ғиёсиддин ЯЛҒАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-722. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6786.
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰